

МАРҲАБО ҲАЙДАР

УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

шеърлар

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2005

84(55) 6-5 бадиҳи 242011 ET
ШЕЗОНАР


Ёш кўнгилнинг тугёнлари теран, покиза бўлади.
Юракнинг тўридан қўйилиб келган туйғулар қалбларда
ахс садо беради. Ёш қаламкаш Марҳабо Ҳайдарованинг
сара шеърлари «Умид чечаклари» номи остида
эътиборингизга ҳавола этилаётиб она-юрт келажаги,
табиат таровати, ёшлик туйғулари, гўзаллик завқ-
шавқи — бу ва бошқа мавзулар мазкур китобча
мундарижасини ташкил этади.

Масъул муҳаррир ва кириш сўз муаллифи:
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Халқ шоири

10 31935
081

ISBN 5-633-01796-X

© Марҳабо Ҳайдарова «Умид чечаклари».
«Янги аср авлоди» 2005



ТУЙҒУЛАР ТУҒЁНИ

Ёшлик, гўзаллик, муҳаббат, эзгулик — булар муштарак тушунчалардир. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, бир-бирини тўлдиради, мазмунан бойитади.

Улуғлар «Гўзаллик — дунёни қутқаради», деб ёзган эди. Дарвоқе, гўзаллик, эзгулик ва муҳаббат бир-бирига қўл бергандагина буюк куч-қудратга айланади, дунё гўзаллашади, олам яшаради, яхшилиқ ёмонлик устидан ғалаба қозонади.

Ёш шоира қизимиз Марҳабохоннинг қалб машиқлари билан танишар эканман, хаёлимдан ана шу теран туйғулар ўтди. Шеърийатнинг мўъжизасига яна бир иқрор бўлдим. Шу юртда туғилиб, унинг меҳрига қониб ижод қилмаслик инсофдан эмас. Она табиатнинг мафтункорлиги, элимизнинг меҳнатсеварлиги, бир-бирларига меҳр-оқибатли эканлиги ҳар қандай зиёлини ҳам қўлига қалам олдиради. Эҳтиросли дил туйғуларини оқ қоғозга тўкади, кўнгилни бўшатади.

*Иқболини кўрган меҳнатда,
Ўзбегимнинг меҳри бир дарё.
Бундай халқни қутлар азалдан
Эзгуликка эш бўлган дунё!*

Ёш қаламкаш қалб тугёнларини чуқурлаштириб, қадимий халқимиз, миллатимиз буюклигига дил сатрларини бағишлайди. «Меҳрим ўзгача» шеърини тўпламдаги сара шаърлардан бири деб аташ мумкин.

*Эл кўнглида тоза тилаги,
Ҳурлик дея урар юраги.
Баҳоридай сўлим кузати,
Ватан ушун яшар ўзбеклар.*

Иқтидорли ёш шоира Марҳабохоннинг фасллар, дарё, жилғалар йўллари, сўқмоқлар, дарахтлару япроқларга бағишланган қалб мисралари сизни бефарқ қолдирмайди, улардан инсоний туйғуларни излайди, муштарак тушунчаларига жўр бўлади.

*Адирларда ой чиқишини кутган кунлар,
Булутларни нигоҳимда тутган кунлар,
Эҳ, барчаси бир хотира ўтган кунлар,
Ойдаи қалбга ботиб кетган болалигим.*

Марҳабо Ҳайдарова — талаба. У Тошкент маданият коллежида таълим олиши билан бирга, шеърлар ҳам машқ қилади. Маърифатимиз, маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманда бўлиб, ўстозлардан сабоқ олиб шеърининг сир-синоатини ўзлаштиришига, ижодда ўз сўзи, қаламига, овозига эга бўлишига ишончимиз комил.

Орзулар идрокка беради сабот,
Умидлар ўйларга бўлади қанот,
Сиздан зинҳор жудо қилмасин ҳаёт,
Биринчи севгимсиз, биринчи севгим!

Нормурод Нарзуллаев,
Ўзбекистон Халқ шоири

ЎЗБЕКИСТОН

Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш,
Кўзга суртай номларини, номларини.
Сирожиiddин Саййид

Бизлар ўсдик билмай армон,
Сенинг меҳринг бўлди дармон,
Эй, шайхонимон тутган маҳон,
Меҳрибонам — Ўзбекистон.

Шарфанинг тенгсиз чаманасан,
Битилмаган ҳали достон.
Шоирларнинг ватанасан.
Қадрдоним — Ўзбекистон.

Гуллар сени сулғатди рост,
Қуёш чандан қўйиб ихлос.
Менинг жоним сенга пайваст,
Жонажоним — Ўзбекистон.

Сенга борим беражакман,
Гар йўқласанг лаббай дебон.
Сенга ёруғ келажакман,
Онажоним — Ўзбекистон.

Тонда насим чалди бир сас,
Сенга менинг бахтим кулмас,
Сендан асло кечиб бўлмас,
Муқаддасим — Ўзбекистон.

Юртим, бугун топдиринг камол,
Айт, қайда бор бундай жамол,
Сен ҳеч қачон топма завол,
Мангу озод — Ўзбекистон.

Гулларни қучади, эҳ, шамол
Гўёки бўридай увиллаб.
Бепарда сўзламанг бу завола,
Юрагим қолади ҳувиллаб.

Шарт эмас севаман демоклик,
Отабек айтмаган Кумушга.
Ўзбеким қизлари ибодик,
Севмасдан чиқмайди турмушга.

Севса ҳам айтмайди бировга,
Нигоҳи сўзлайди, нигоҳи.
Оловга ўхшайди оловга,
Тутмасин севганинг гуноҳи.

Муҳаббат дилдаги кенг осмон,
Қўлимиз юлдузга етқайдир.
Севаман деб айтманг ҳеч қачон,
Ишқ қалбга меҳрини битқайдир.

Гулларни қучади, эҳ, шамол
Гўёки бўридай увиллаб.
Севаман десангиз бемалол
Юрагим қолади ҳувиллаб.

УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

Аёз қалми ўйнар устимда,
Йўлларимни бўрон тўсади.
Қор остида қолган кўксимда
Умид чечаклари ўсади.

Кимга яшаш бўлибди осон?
Орзулар хор, армонлар хандон.
Юрагимда авжи саратон,
Умид чечаклари ўсади.

Айтолмасдан қоламан бир сўз,
Некун бунча кечикди наврўз?
Саргайтсада юрагимни куз,
Умид чечаклари ўсади.

ЮРАГИМ

Тўсатдан юрагим сўзлай бошлади,
Билмам, аллақандай илоҳий тилда.
Ногоҳ уввос солиб, бўзлай бошлади,
Кундузи, тунда ҳам уйда ва йўлда.

Билмайман унинг чин муддаоси не,
Тушунмоққа сира қурбим етмасди.
Тергарди: тўғри юр, доим тўғри де,
Нима унинг менда бормикан қасди?

Виждон, иймон дерди ўзининг исмин,
Ўнга қулоқ солсам қуяди бағир.
Ўзимга овирлик қилмоқда жисмим,
Ўнга асир бўлиб яшамоқ овир.

Ҳар ким ҳам ўйлайди ўзининг тинчин,
Руҳий азоблардан кўзим ёшлайман.
Энди одамлардек яшамоқ учун,
Мен уни кўксимдан юлиб ташлайман.

Э воҳ, мақсадимни билиб қолган у,
Дейди: яхшиликка ёмонлик қасдми?
Дунёда лоқайду ҳиссиз, бетуйғу
Юраксиз яшамоқ бахтсизликмасми?

ЁШ АВЛОД ШИОРИ

Озодлик Оллоҳнинг инъоми,
Халқимиз бошидан сочилган.
Биз борар энг буюк манзилга
Барча йўл, барча йўл очилган.

Қўлларда ҳилтирар байроқлар,
Кўкракда тумордир Гербимиз.
Шу юртга, шу элга ҳамиша
Ортадир юракда меҳримиз.

Она юрт, сен ишон, ёш авлод,
Зафарлар тутгайдир қўлингга.
Биз юлиб ташлаймиз тикандек,
Ёв чиқса агарда йўлингга.

Шу эзгу тилак-ла яшаймиз,
Шу тилак бизларга бахт тутар.
Ташлаймиз биз шахдам қадамлар,
Бизни буюк келажак кутар!

КҮКЛАМ

Дилда ечилмаган жажжи тугунча,
Гүё очилмоқчи бўлган бир гунча.
Мен сени соғиндим, соғиндим шунча,
Менга гул келтирган келинчак кўклам.

Ялпизлар тизилди жилва бўйига,
Бир тоза ранг кирди олам рўйига.
Яна тўй қўшилди халқим тўйига,
Наврўзни келтирган келинчак кўклам.

Қишининг инжиқлиги заволга кетди,
Қаҳратон совуқлар шамол-ла кетди.
Мажнунтол барг ёзиб хаёлга кетди,
Менга гул келтирган келинчак кўклам.

Оламу одамлар уйғонди ана,
Юртимнинг жамоли янада кўркам.
Бағринга ўзимни отаман яна,
Менга гул келтирган келинчак кўклам.

МЕН СИЗНИ

*Мен сизни изладим боглардан,
Сахро-ю, кўк ўтар тоғлардан.
Тополмай, сурадим охири,
Кўнглида дарди йўқ соғлардан.*

*Кулдилар, севгимдан кулдилар,
Севгимнинг гулини юлдилар.
Ишқ олов эканин билмайин,
Дардсизлар бағримни тилдилар.*

*Бу менинг дилдаги дардларим,
Кўксимдан тўкилган гардларим.
Менга оқ йўл тилар умидлар,
Улар юракдаги мардларим.*

*Мен шундай умримнинг йўлида,
Гоҳ бўстон, гоҳида чўлида.
Қўрқаман фақат бир ҳижрондан,
Қолмайин армоннинг қўлида.*

ОНА

Она, меҳрингизни ичиб улғайдим,
Кўнглингизга кўнглим очиб улғайдим.
Дуоларингизни қанотлар қилиб,
Мовий кенгликларни қучиб улғайдим.

Сиз бор, ҳовлимизда фаровонлик бор,
Сиз бор, умримизга ҳамиша бахт ёр.
Сиз менинг баҳорим, бахтим эгаси,
Асло меҳрингизга бўлмайин ҳеч зор.

Онажон, сира дард кўрманг илойим,
Сиз борсиз тенг билгум баҳор ва кузни.
Жаннат оналарнинг пойида доим,
Эритар меҳрингиз ҳаттоки музни.

Сўз ожиз, тил ожиз мадҳингиз учун,
Дилда тилакларим узундан-узун.
Умрингиз йўллари зулматсиз, ёрув,
Бахтингиз доимо бўлсин бус-бутун.

ЯНГИ ЙИЛ

Янги йил, яхши кун олиб кел элга,
Бағрингда шодлигу қувончлар бўлсин.
Юртимнинг боғи-ю тоғлари ҳар вақт,
Лаблардан тугилган кулгуга тўлсин.

Янги йил, оппоқ қор кафтингда сенинг,
Эзгу тилакларнинг рангига ўхшаши.
Келмагин ҳеч сира маъсум, бемаъно,
Оҳори тўкилган кунларга тўқнаши.

Янги йил, тўрт фасл сени соғинар,
Тўрт фасл — мўъжиза қалб қўри, нурда.
Уларга уйғониш бахтини бериб,
Ўзинг ўтирасан жимгина тўрда.

Янги йил, сен келсанг қутлуғ шабнинга,
Тиллардан бол каби томар тилаклар.
Йўлингга тафтини сочиб ташлайди,
Безовта, бетоқат, бетин юраклар.

НАВРҮЗ КЕЛСА..

Наврӯз келса кӯрк очар боғлар,
Кўнгилларга етар бўйлари.
Анҳорнинг жим, тиниқ оқиши
Севиб қолган қизнинг ўйлари.

Наврӯз келса нурга тўлар дил,
Ошиқларнинг бўлар тўйлари.
Мажнунтолнинг хаёл суриши,
Севиб қолган қизнинг ўйлари.

Наврӯз келса тунда Ой гўзал,
Эҳтиросли сойнинг кўйлари.
Элитади оқишомни беҳол,
Севиб қолган қизнинг ўйлари.

Наврӯз келса яшнаб адирлар,
Таралади найнинг кўйлари.
Оҳуларнинг ҳуркиб қочиши —
Севиб қолган қизнинг ўйлари.

БОЛАЛИГИМ

Болалигим, боелар сен-ла файзли эди,
Олисларда қолиб кетган болалигим.
Шодлигим йўқ, бугун менинг шодлигим йўқ,
Бор шодлигим олиб кетган болалигим.

Адирларда Ой чиқишин кутган кунлар,
Булутларни нигоҳимда тутган кунлар,
Эҳ, барчаси бир хотира ўтган кунлар,
Ойдаи қалбга ботиб кетган болалигим.

Булутларни, қучар эдим қучган сайин,
Жилва шовқин соларди гоҳ сўзимдайин.
Ўзинг айтгин қайга кетди, эй оққайин,
Умрим болин тотиб кетган болалигим.



БИРИНЧИ СЕВГИМ

Гулларнинг бўйлари энди бошқача,
Энди гўзалликни ўзгача сезгум.
Навбаҳор ҳам бу йил келди бошқача,
Биринчи севгим сиз, биринчи севгим.

Ишқсизлар кўнглимни кездилар эзиб,
Йўқ, мен адашмадим севилиб, севиб.
Хаёлан оламни чиқарман кезиб,
Биринчи севгим сиз, биринчи севгим.

Сиз учун бовимга гуллар экдим мен,
Гоҳида ҳижронни, ғамни енгдим мен.
Севги бўстонига мана, келдим мен,
Биринчи севгим сиз, биринчи севгим.

Орзулар юракка беради сабот,
Умидлар ўйларга бўлади қанот.
Сиздан зинҳор жудо қилмасин ҳаёт,
Биринчи севгим сиз, биринчи севгим.



ОЛТИН КУЗ

Кўкда қанот қоқиб ўтди турналар,
Боғларда дарахтлар очди сариқ юз.
Этагига болдай неъматлар солиб,
Ўлкамизга келди, қаранг, олтин куз.

Хирмонлар юксалар энди тоғ каби,
Дехқонлар заҳматин кўкса кўтариб.
Гоҳ кўкда булутлар кўриниб қолар,
Дехқонни кўрқитмоқ бўлар йўталиб.

Халқимиз азалдан меҳнатни суйган,
Ҳосилни беувол йиққан даладан.
Ҳар қанча булутлар келмасин, элим
Кўрқмайди ҳеч қачон дўлдан, жаладан.

Бу эл мана шундай орли-номусли,
Кўксида ғурури, тоза қалби бор.
Меҳнатдир чиройи, меҳнатдир ҳусни,
Шу сабаб бу элга бахту ихбол ёр.

БОҒИМДА

Капалак бовни кезиб,
Гул ҳолини сўради.
Мажнунтол хаёл суриб,
Сочларини ўради.

Жилва жўшиб ялғизни,
Илдизидан қитиқлар.
Ҳам қитиқлаб тинмайин,
Жилва ўзи қиқирлар.

Булбул — бовнинг ҳофизи,
Маст райҳон буй уфурар.
Майин сабо эринмай
Бов йўлчасин супурар.

Шундай сўлим бу бовда
Ҳаёт сокин оқади.
Гўзал боққа суқланиб,
Кўкда ҳилол боқади.

МЕҲРИМ ЎЗГАЧА

Боялар чаман, гузал ҳусни бор,
Бунда булбул тонгда созлар тор.
Бу эл учун бахту ихбол ёр,
Ватан учун яшар ўзбеклар.

Эл кўнглида тоза тилаги,
Ҳурлик дея урар юраги.
Баҳоридай сўлим кузаги,
Ватан учун яшар ўзбеклар.

Осмонига ярашар ҳилол,
Булоқлари бокира, зилол.
Бундай ўлка топмас ҳеч завол,
Ватан учун яшар ўзбеклар.

Диёримга меҳрим бир олам,
Бахшидадир кўздаги жолам.
Ҳавас қилар ҳар битта одам,
Ватан учун яшар ўзбеклар.

УМИДИМГА ЎТ ЁҚДИМ

*Йўлингизга термулиб,
Кўзларим ҳам тўрт бўлди.
Сизга интизор бўлиб,
Дилдаги гулим сўлди.*

*Севгининг оловидан
Ўт кетди тиллақларга.
Ёр бевафо бўлса ҳам
Тўларкан юракларга.*

*Мажнунтолнинг бир узун,
Хаёлларида оқдим.
Сабрим танимга синамай,
Умидимга ўт ёқдим.*

*Бирин-кетин орзулар
Армонлар сари елди.
Сен келмадинг, бевафо,
Мени йўқлаб ҳам келди.*

ЖИЛҒА

Тошдан тошга урилиб,
Тоялардан оқар жылға.
Қўшиқлари ёқимли,
Сувлари қилар жылва.

У бовларни кезади,
Ялпизларга сув тутиб.
Гоҳ олмани олисга
Кетар аста оқизиб.

Қалдироқ дарё эмас,
Жилвадан олар томчи.
Томчисини юбориб,
Чанқоққа булар совчи.

Тонгда келиб капалак
Юзларини ювади.
Жилға шундай савобга
Ҳамроҳ бўлиб юради.

ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИ

Бокира тонглардан каммас қиёси,
Кўзларга нур тутар ҳуснин зиёси.
Иболи ўтади қўкламу ёзи,
Баҳорга ўхшайди ўзбек қизлари,

Шаънига шеър битиш қанчалар шараф,
Уларнинг тенги йўқ, йўқ ҳеч бир тараф.
Дилларга ўт ёқар сабрни қалаб,
Баҳорга ўхшайди ўзбек қизлари.

Ибратдир уларга Кумуш ва Раъно,
Иффатда, одобда оламда танҳо.
Йиғитлар ҳаёти уларсиз саҳро,
Баҳорга ўхшайди ўзбек қизлари.

Ғурурдан яралган баланд тоғи бор,
Барининг юзида бахт маёғи бор.
Ҳар бирин қалбида сўлим боғи бор,
Баҳорга ўхшайди ўзбек қизлари.

КЎЗ ТЕГМАСИН

Осуда ўлкага тўйлар ярашар,
Бозларда булбуллар яйраб сайрашар.
Қувноқ болажонлар шодон яйрашар,
Юртим тинчлигига ҳеч кўз тегмасин.

Илм-фан бешигин тебратган бу эл,
Билим камолига боғлагандир бел.
Дўстим, кўрар бўлсанг сен бир бора кел,
Юртим тинчлигига ҳеч кўз тегмасин.

Қадимдан дунёда шуҳрати баланд,
Тошкенту Бухоро, Хива, Самарқанд.
Бўлғаймиз шу элга муносиб фарзанд,
Юртим тинчлигига ҳеч кўз тегмасин.

Ўзаллиги яшнар ҳар томонида,
Ҳатто ҳикмати бор хас, сомонида.
Иллим бораётмиз ҳур қарвонида,
Юртим тинчлигига ҳеч кўз тегмасин.

МУҲАББАТ

Муҳаббат гунчага ўхшайди,
Баҳорда бир гузал очилар.
Кўнгилнинг нурлари ўша пайт
Боғларга, тоғларга сочилар.

Муҳаббат қушчага ўхшайди,
Сайрайди тунда ҳам, кунда ҳам.
Юракка ин қуриб яшайди,
Ичиб гоҳ шодлиқни, гоҳи гам.

Муҳаббат болага ўхшайди,
Аразлаб қолади гоҳида.
Гоҳида капалак қувлайди
Кўнгилнинг кенг чаман боғида.

Муҳаббат оловга ўхшайди,
Қишда ҳам, ёзда ҳам иситар.
Инсонлар ҳаётин аслида
Муҳаббат туйғуси қизитар.

УСТОЗ

Устоз, изингизда ҳикматлар бисёр,
Ортингиздан ёруғ кунларга етдим.
Буюк келажакка йўллар очиб сиз,
Ўз мақсадим сари одимлаб кетдим.

Сизнинг хизматингиз азият, бебаҳо,
Бу менинг умрбод узоқмас қарзим.
Ҳаётим беазаги сиз берган билим,
Қошингизда доим қилурман таъзим.

Устоз ранж чекмаса илмга офат,
Зиё таратмоққа доимо шайсиз.
Ўзингиз учунмас, дунёда фақат
Шу юрт келажаги учун яшайсиз.

ДУҒОНАМГА

Китоб ўқи, кўнглингга
Зиёси таралади.
Тафаккуру онгингда
Фиқрлар яралади.

Китоб ўқи, манзилинг
Кўринади тунда ҳам.
Ҳаётингда асло сен
Кўрмайсан ҳеч дарду ғам.

Китоб ўқи, дўстларинг
Оқиллардан бўлади.
Нафратланганинг фақат
Жоҳиллардан бўлади.

Китоб ўқи, дўстлар ҳам
Эргашади изингдан.
Ҳалолликни ўрганар
Тўғри ишинг, сўзингдан.

ЎСМИРЛИК ДАМЛАРИ

Гунча кулса гулга айланар,
Чаманзорга ифор таратиб.
Тунда ошиғ булбулни ҳатто
Тонгга қадар қўяр сайратиб.

Муҳаббатдан яралган дунё,
Диллар ичра яшайди севги.
Гўзалликдан баҳралар олиб,
Қалбга орзу тўшайди севги.

У ўйлатар, у гоҳ куйлатар,
Йишлатади беун гоҳида.
Омад келиб васлга етса,
Ўйнатади ёрни боғида.

Кунлар ўтар, ойлар ва йиллар,
Ёддан кетмас ишқнинг ғамлари.
Диллараро абадий яшар
Ўсмирликнинг қайноқ дамлари.

ОНА ДИЁРИМ

Ўзбекистон, она диёрим,
Меҳр бўйи келар бағрингдан.
Мен ҳам сенинг бир қизаловинг,
Сабр олдим битмас сабрингдан.

Шаҳарларинг обод ва кўркам,
Қишлоқларда фойзу тароват.
Тупровингни қушимга сургум,
Товларингни қилиб зиёрат.

Она Ватан, жонажон Ватан,
Тенгинг йўқдир бу олам аро.
Саждагоҳим дея тиз чўқдим,
Номинг эрур қалбимда танҳо.

Иқболини кўрган меҳнатда,
Ўзбекистони меҳри бир дарё.
Бундай халқни қутлар азалдан,
Эзгуликка эш бўлган дунё.

Ўзбекистон, она диёрим,
Меҳр бўйи келар бағрингдан.
Мен ҳам жажжи бир қизаловинг,
Сабр олдим битмас сабрингдан.

ИБРАТ

Мен гуллар ўстирдим мўжаз хонамда
Ўзимча гўзаллик яратмоқ учун.
Кимдир бош қотираб ёруғ оламдан
Жами тирикликни йўқотмоқ учун.

Алҳазар, алҳазар, ё Раб, алҳазар,
Қўрқинчидан айланмай қолар тилларим.
Руҳимни чўктириб, хавотир эзар,
Сизни қандай асраб қолсам, гулларим.

Аюҳаннос солар ойнаи жаҳон,
Бинога урилиб, портлар Боинглар.
Ҳануз ўз-ўзини қирмоқда инсон,
Энди жонворларга ҳайкал қўйинглар.

Ҳатто ваҳишӣ шевр ҳам ундан беозор,
Чиндан ибрат булар инсониятга.
Наҳот ўз наслига беради озор,
Қандай ном қўямиз бундайин зотга?

ҚАЛБИМНИНГ НУРИ

Юзларимни чимчилар аёз,
Дилга ҳадик солар қаҳратон.
Шеърим, менинг юрагимни ёз,
Сен улардан қўрқма ҳеч қачон.

Сенга тоғдан тилайман бардош,
Довонлар бор олдинда ҳали.
Одимлайвер ва мардона ош,
Эй қалбимнинг нури, машъали.

Сенсиз менга яшамоқ мушкул,
Менсиз сен ҳам йўлларда ҳалак.
Нетай, шеърим, тақдиримиз шул,
Эй мунисим, жажжи капалак.

МУНДАРИЖА

Н.Нарзуллаев	Олтин куз.....	18
Туйгулар тугъни	Богимда	19
Ўзбекистон	Меҳрим ўзгача	20
«Гулларни қучади, эҳ, шамол...»	Умидимга ўт ёқдим	21
Умид чечаклари	Жилга	22
Юрагим	Ўзбек қизлари	23
Ёш авлод пиори	Кўз тегмасин	24
Кўклам	Мудаббат	25
Мен сизни	Устоз	26
Она	Дугонамга	27
Янги йил	Ўсмирлик давлари	28
Наврўз келса	Она диёрим	29
Болалигим	Ибрат	30
Биринчи севгим	Қалбимнинг нури	31

Адабий — бадиий нашр

МАРҲАБО ҲАЙДАРОВА

УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

Шеърлар

Муҳаррир **Говҳар Мирзаева**
Бадиий муҳаррир **Нодир Раҳимов**
Тех. муҳаррир **Елена Демченко**
Мусахҳиҳ **Нартиза Мишаҳмедова**
Саҳифаласшти **Нодир Раҳимов**

ИБ № 4094

Босиниға 24.10.2005 й.да рухсат этилади.
Бичими 70х84 1/32. Босма тобоғи 1,0.
Шартаи босма тобоғи 1,09. Адади 500 нуска.
Баҳоси келмишларини нарҳда. Буюртма № 218.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.